



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 13 май, № 98 (8441)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОДАМЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, УЛАР ИСТАГИНИ МАНЗИЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни аҳолининг турмуш шароитлари, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Самарқанд дарвоза маҳалласида барпо этилган касбга йўналтирилган марказида бўлди. Бу ерда ёшлар ва аёлларга савдо, маркетинг, молия, ахборот технологиялари соҳаларида замонавий

касблар ўргатилади. Кейинчалик уларнинг юқори даромадли иш топшишга ҳам кўмаклашилади. Марказ атрофи ободонлаштирилган, ишқомлар ўрнатилиб, тоқлар экилган. Шу ерда камбағаллик-

ни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тақдирот қилинди. 10 май куни ушбу масала бўйича ўтказилган йиғилишда салоҳиятли тадбиркорларни янги иш ўринлари яратишга рағбатлантириш

таклифи билдирилган эди. Масалан, Шайхонтохур туманида 51 та маҳалла бор. Салоҳияти юқори тадбиркорлар 100 дан зиёд. Шартнома асосида уларга маҳаллалардаги ишсизлар бириктирил-

моқда. Унга кўра, давлат шароит яратади, тадбиркорлар аҳолини касбга ўқитиб, иш билан таъминлайди.

— Бу икки томонлама манфаатли, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ҳозир кўп тадбиркорлар фаолиятини кенгайтири-

моқчи, ҳаммага малакали ишчи керак. Мақсадимиз — корхоналар амалий мономарказга айланиб, соҳага мутахассис тайёрласин. Бунинг учун давлат инфратузилма, молия, солиқ бўйича энгилликлар беради. Иш ўринлари кўпайгани, аҳолининг харид қобилияти ошгани ҳисобидан бу пул пировардида иқтисодиётга қайтиб тушади. Энг муҳими, бу амалиёт ёшлар учун фақат иш ўрганиш эмас, ҳаёт мактаби бўлади.

Тақдиротда Шайхонтохурнинг туризм салоҳиятини ишга солиш бўйича тақлифлар ҳам кўриб чиқилди. Пойтахт туманлари ҳокимлари Жануҳи Корейя, Сингапур каби давлатлар тажрибасини ўрганиши зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу марказдаги спорт-соғломлаштириш мажмуасини ҳам кириб кўрди.

Унда ёпиқ сув ҳавзаси ва спорт зали мавжуд.

Бу ерда спортнинг саккиз тури бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимиз спорт залида машғулотларда қатнашаётган ёшлар билан мулоқот қилди.

— Спорт билан шуғулланган ёшлар доимо ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, тартиб-интизомли бўлади, шерикларини ҳам спортга жалб қилади. Бу борада сизларга барча шароитларни яратиш берамиз, — деди давлатимиз раҳбари. Шундан сўнг Президент тумандаги нодавлат таълим муассасасини бориб кўрди.

Минг ўринли бу мактаб инглиз тили, Шарқ тиллари ва аниқ фанларни ўргатишга ихтисослаштирилган. Муассасада ўқув ва компьютер хоналари, STEM лабораторияси, кутубхона, ошхона, спорт зали, бассейн мавжуд.

Мактабнинг янги биноси ўтган йили сентябрь ойида фойдаланишга топширилган. Бугун бу ерда 800 нафардан ортик ўқувчилар таълим олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни қўшма

Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди, амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Суҳбат аввалида Бош вазир Қоҳир Расулзода давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ жадал ривожланиб бораётгани мануният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш ҳажми ортомқда, муваффақиятли кооперация лойиҳалари кўпайиб кетди. Яқин ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашинувлар фаол амалга оширилмоқда.

Товар айирбошлашни ошириш бўйича самарали чоралар кўриш, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қончилик, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компанияси маблағларини жалб қилган ҳолда истиқболли лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, Тошкент шаҳрида икки мамлакат бош вазирлари раислигида ўтказилган қўшма Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши қарорларини амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 9 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2023 йил 3 майда маъқулланган

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида жамоат тартибини таъминлаш орқали аҳолининг тинч ва осуда ҳаёти учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, давлат объектларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат жойларида патруллик қилиш каби вазифалар юклатилган.

Шу билан бирга мазкур вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ҳамда хизматни ўташ домида аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир айрим ваколатларни бериш зарурлиги юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ходимларига майда безорилик, соғуқ қуролни ёки соғуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга, гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни кўриб чиқиш учун судга юбориш юзасидан қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун мамлакатда жамоат тартибини янада самарали таъминлашга, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланган манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## ЕТТБнинг Самарқанд анжумани:

### ЯНГИ ҲОЯЛАР, АНИҚ МАҚСАДЛАР САРИ

Шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) бошқарувчилар Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Мазкур нуфузли анжуманда банкка аъзо 73 та давлатдан 1,5 мингдан зиёд меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Бундай юқори даражадаги тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг жаҳон инвестициявий ҳамжамиятидаги обрўсини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши, шунингдек, ишбилармон доиралар вакилларига мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоиявий, саноат ва ишлаб чиқариш салоҳияти, бой маданияти билан батафсил танишиш имконини бериши, шубҳасиз.

#### Нуктаи назар

Асосий мавзуси иқтисодиёт барқарорлигига сармоия киритиш бўлган тадбир домида банкка аъзо мамлакатлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган муҳокамалар ўтказилиши режалаштирилган. Бизнес-форумда макроиқтисодий вазият, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда

хусусий сектор ва давлатнинг роли, худудлараро муносабатлар, иқтисодий интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамлаштириш ва бошқа кўплаб масалалар экспертлар иштирокида муҳокама қилинади.

Таъкидлаш жоизки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки 1991 йил 28 март куни ташкил этилган бўлиб, бош қароргоҳи Лондонда жойлашган. Ўзбекистон 1992 йил 30 апрелдан буён мазкур банкнинг аъзоси ҳисобланади.



## КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Хорижий электрон ва босма нашрларда Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараёнлар, хусусан, шу йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан олдинги Президент сайлови ҳамда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 8 май куни Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи тафсилотлари атроф-лича ёритилмоқда.

#### Дунё нигоҳи

Америкада нашр қилинадиган "Defense & Foreign Affairs" журналида 30 апрель куни мамлакатимизда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган мазкур нашр бош муҳаррири ва Стратегик тадқиқотлар халқ-

аро ассоциацияси (ISSA) президенти Грегори Колпи қаламига мансуб "Қайта тикланаётган Евроосиё маркази" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда муаллиф Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига сайланган-

нидан кейин мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатида бир оз очкилик ва барқарорлашув, қўшни давлатлар билан чегараларни очиш ва чегара низоларини ҳал этиш бўйича музокаралар олиб бориш бўйича фаол ҳамкорлик бошланганини қайд этган.

У янгиланган Конституция мазмунини хусусида тўхталар экан, Ўзбекистонда конституциявий референдумга пухта тайёргарлик кўрилгани ва Бош қўмусга киритилган ўзгартиришлар халқ ҳуқуқлари, ижтимоий кафолатлар ва иқтисодиётнинг либераллигини сезиларли даражада мустаҳкамлаганини алоҳида таъкидлайди.



## ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК БАҲОЛАНДИ



Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ўзбекистондаги доимий координатори вазифасини бажарувчи Рита Консуэло Фатима Видал Брюсни қабул қилди.

#### Мулоқот

ниш мақсадлари (БРМ)га эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, шунингдек, экологик муаммолар, жумладан, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб

масалаларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, мамлакат Президенти томонидан халқаро кун тартибининг долзарб масалалари бўйича илгари сурилган ташаббуслар БМТ томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу нуфузли тузилма билан муносабатлар изчиллик билан ривож топаётганини ҳам англатади.

Сенат Раиси Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг мамлакатимизда фаолият юритаётган ихтисослашган агентликлари ҳамда муассасалари билан конструктив ва ишончли ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани, айниқса, сиёсий мулоқот фаоллашгани, бунинг Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги беш йилда БМТ Бош Ассамблеяси 72, 75 ва 76-сессиялари умумий мунозараларидаги иштирокидан ҳам кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан БМТ тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш, хотин-қизларнинг фаоллигини кучайтириш

ва ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлаш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва БМТ ўртасида самарали ҳамкорликнинг турли йўналишлари, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Парламент комиссияси томонидан Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар бажарилиши бўйича ҳукуматнинг фаолияти юзасидан мунтазам назорат олиб борилиши айтиб ўтилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 144-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4,

104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 12, 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 442-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 467-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 248<sup>1</sup>-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига ушбу Кодекс 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188<sup>2</sup> ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тарикасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда суриштирув бўлимларининг бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61, 183, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185-моддаларида, 185<sup>1</sup>-моддасида (бундан божона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар мустасно), 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 186-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188<sup>1</sup>, 188<sup>2</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 191, 194<sup>1</sup>, 195<sup>1</sup>-моддаларида, 196-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тааллуқли қисми бўйича) ҳамда 210<sup>1</sup>-моддасида

назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузди ва ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда уни кўриб чиқиш учун судга юборди»;

2) 287-модданинг 9-бандидаги «54, 61, 185<sup>1</sup>, 194<sup>1</sup>, 195<sup>1</sup>, 198-моддаларида» деган сўзлар «54, 61, 183, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185, 185<sup>1</sup>, 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 186, 187, 188, 188<sup>2</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 191, 192, 194<sup>1</sup>, 195<sup>1</sup>, 198-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 12 май № УРҚ—842

ОДАМЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, УЛАР ИСТАГИНИ МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ МАСАЛАДИР

Мақтабда ўқитиш методикаси ўзгармас, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, деган эди давлатимиз раҳбари таълим тизимидаги ислохотларга дахлдор урғунлардан бирида. Ва айти масала бугун соҳадаги янгиланишларнинг муҳим мезонига айланган.

Мазкур мактабдаги ўқув ва машғулотлар мамлакатимизда ёшларни камидики иккита хорижий тил ва битта хунарга ўргатиш талабига мос. Махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар тикувчилик, дурадгорлик, компьютер сирларини ўрганмоқда. Ёшларнинг қизиқишларига мос турли тўғараклар ҳам ташкил этилган.

Президентимиз ушбу мактаб тажрибаси асосида кичик ҳудудда кўп ўқувчи ўринларини яратиш, нодавлат мактабларда таълим сифатини назорат қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Ўқувчилар билан мулоқотда билан энг яхши инвестиция экани, давлат ёшларнинг зўр мутахассис бўлиб, келажакда йўлини топиши учун барча шароитларни яратиши қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур туманидаги Жангоҳ маҳалласида ҳам бўлди.

Мамлакатимизда куйи тизимга қаратилаётган эътибор ушбу маҳал-

лада ҳам намоён. Фуқаролар йигини биноси, кўп қаватли уйлар замонавий қиёфага эга. Майдончалар ва ички йўллар текислибди, атрофи ободонлаштирилган. Болалар ўйингоҳи ва автотураргоҳ ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни кўздан кечирди. Маҳалла раиси ва вакиллари билан суҳбатлашди.

— Маҳаллада «бешик» тизимини жорий қилиб, кенг имкониятлар бердик. Бугун улар аҳоли билан давлат ўртасида кўприк. Бу кўприк қанча адолатли, шаффоф, мустаҳкам бўлса, халқимиз шунча рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жангоҳ маҳалласида 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ундан ортққ маиший хизмат ва юздан зиёд савдо дўконларида маҳалла ёшлари ҳам ишламоқда. Аҳолининг мазмунли хордиқ чиқариши учун ҳам шароитлар яратилган.

Хар бир маҳаллага кириб бориши, одамларнинг истак ва талабини манзилли ўрганиш давлат сиёсати даражасидаги масала саналади. Жангоҳ маҳалласида ҳам ишоси фуқаролар билан мулоқот қилиниб, уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ижтимоий дафтларга киритилган 230 нафардан ортққ фуқаро доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари «Янги

Жангоҳ» бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди. У маҳалладаги 52 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. 24 нафар мутахассис ва махсус техникалар доим шай ҳолатда. Хисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Менинг уйим» мобиль иловаси жорий этилган.

Мутасаддилар билан суҳбатда коммунал тармоқларни янгилаб бориши, аҳоли ишончини қозониб, тўловлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маҳалла айвонида одамлар билан самимий суҳбат бўлди.

— Биз фаолиятимизнинг биринчи кунидан ҳамма ишларни янгилаб да амалга оширяпмиз. Чунки бу инсонга энг яқин тизим. Маҳаллагиздаги ободлик бир мисол. Бундай ишлар фақат Тошкентда эмас, Қорақалпоғистону Хоразмда ҳам, Қашқадарёда ҳам, ҳамма жойда қилинапти. Халқимизнинг ўзи — адолатли ҳакам. Бугун юртимиздаги ҳар бир инсон ижобий ўзгаришларни сезяпти. Энди бу ишларни давом эттириб, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камидики 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тўширамиз. Бу — инсонларнинг оғирини энгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган халқ-

чил тизим бўлади, — деди Президент.

Нуроний отахон ва онахонлар маҳалладаги умуман, юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, дуолар қилди.

Президентимиз шу маҳалла яқинида, Абдулла Қодирий кўчасидаги хиёбонда барпо этилган истироҳат йўлагини ҳам кўздан кечирди.

Гавжум шаҳарда, кўп қаватли уйлар яқинида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари ташкил этиш ҳам аҳоли учун қулайлик яратишга қаратилган ташаббуслар сирасига кириди.

Ушбу истироҳат йўлагининг умимий узунлиги 3 километрдан ортққни ташкил этади. Бу масофада олиб бориладиган ишлар натижасида 11 гектар майдон бутунлай янги қиёфага кириб, ободонлаштирилди.

Қалин даракхтор ва ўзига хос ландшафт дизайни умимий уйғунлик касб этади. Йўлак бўйлаб жойлаштирилган ўриндиқлар, 10 га яқин савдо расталари, фавворалар бу ерда сайр қилаётганларга қўшимча қулайлик яратади. Бу маскан аҳоли ва хорижий туристлар учун яна бир диққатга сазовор жойга айлангани таъкидланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБОВЕВ, Ўза мухбирлари.

КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ ЛИБЕРАЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Муаллиф умумхалқ референдумида Ўзбекистон фуқаролари фаол иштирок этишгани ҳақда уларнинг 84,54 фоизи Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини ёқлаб овоз беришганини маълум қилган.

«Ўзбекистондаги референдумда овоз берилишини кузатган халқаро Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси (ISSA) вакиллари бу 50 йилдан ортққ давр мобайнида бўлиб ўтган сайловларнинг энг шаффоф овоз беришларидан бири эканлигини қайд этишди», деб ёзади Грегори Коппи.

Унинг баҳо беришича, референдумнинг муҳим стратегик яқини шундан иборатки, «Ўзбек халқи ўзининг миллий ўзига хослиги устидан назоратни борган сари қайта тиклаётгани ҳолда том маънодаги ижтимоий шартномага эришмоқда».

«Defense & Foreign Affairs» журналида, шунингдек, ISSA кўзатувчилари миссиясининг баёноти ҳам эълон қилинди. Унда Ўзбекистонда ўтказилган конституциявий референдум адолатли ўтгани ва сайловчилар хоҳиш-иродасини қонуний ифода қилгани алоҳида таъкидланган.

«Овоз бериш жараёни максимал даражада ошқоралик муҳитида кечди ва қонунбузарликнинг олдини олишга катта эътибор қаратилди. Овоз бериш осуда ва жиддий процессуал қондабузарликларсиз ўтди.

Биз борган ҳар бир сайлов участкасини сайловчиларга ҳеч қандай тўсқинликларсиз ва эркин овоз беришга имкон берадиган адолатли овоз бериш муҳитини таъминлаш бўйича қатъий содиқликни кўрдик. Бундан ташқари, биз мамлакат Конституциясини лойиҳасини узоқ вақт давомида жамоатчилик асосида муҳокама этган сайловчиларнинг референдумда иштирок этишига бўлган иштиёққа давмо эътиборига гувоҳ бўлдик», дея қайд этилади мазкур баёнотда.

Италиянинг машҳур «Eurasianews» онлайн нашрида «Ўзбекистон раҳбари Президент сайловини белгилади» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда 30 апрель куни бўлиб ўтган конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумдан сўнг Ўзбекистон Президентини Олий Мажлис палаталари, партиялар, суд ва ижро ҳокимияти идоралари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан учрашув ўтказгани қайд

этилган. «Янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон раҳбари мuddатидан олдин Президент сайловини белгилаш тўғрисидаги Фармонни имзолади», деб ёзилади онлайн нашрда.

Поляшедаги оммабоп «SIEWIE.TV» телеканалнинг веб-саҳифасида ҳам Ўзбекистонда бўлажак муҳим сиёсий воқеага бағишланган мақола эълон қилинди. Телеканал шу йил 8 май куни мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўртасида жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилгани ва унда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича 30 апрелда бўлиб ўтган референдум яқинлари ҳақида сўз боргани хабар қилинган. Қайд этилганидек, мамлакат олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун янгиликдан давлат ҳокимияти тизимида халқ ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, учрашув давомида мuddатидан илгари Президент сайловини ўтказиш давлат ҳокимиятининг янгиликдан Конституция талабларига мувофиқ замонавий ишлаши, халқ ҳокимиятчилиги принципнинг тўлақонли амалга оширилишига хизмат қилиши ҳам алоҳида таъкидланган.

Хиндистоннинг бир қатор оммавий ахборот воситалари ҳам ўз саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови июль ойида ўтказилиши режалаштирилгани ҳақидаги мазкур хабарни кўчириб босишди. Туркманiston оммавий ахборот воситалари ҳам мамлакатимизда кечаётган сайлови бўйича овоз бериш бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижасида қабул қилинган ва 1 майдан эътиборан қўлдан қирган янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституцияси билан мустаҳкамланган. Янгиликдан Конституциядан келиб чиқадиган ўзгартиришлар амалдаги сайлов қонунчилиги ҳам киритилди», деб ёзилади Туркманiston оммавий ахборот воситаларида.

Жанубий Кореяда англиз тилида нашр этиладиган «The Korea Post» журналида ёзилганича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан ўтказган мулоқоти чоғида янгиликдан Конституцияда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганлиги, уни ишлаб чиқишга аҳоли фаол иштирок этганлиги ҳамда референдум орқали қабул қилинганлиги ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлганидан далолат эканлиги таъкидланди.

Нашр мазкур учрашувда янгиликдан Конституцияни амалга ошириш ва унинг ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинганлиги маълум қилган. «Ўзбекистон Президенти тегишли фармонни имзолади. Учрашув иштирокчилари ушбу ташаббус мамлакат Президентининг ўзбек халқига ва демократик тамойилларга бўлган чекизи журмати ва садоқати намунаси эканлигини эътироф этиди», деб ёзади «The Korea Post» журнали вакили.

«Дунё» АА.

ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Шунингдек, мулоқот давомида жорий йилда Ўзбекистон ўзининг иккинчи ихтиёрий миллий маърузасини тақдим этиши, уни тайёрлаш ва парламентда ўтказилдиган муҳокамалар хусусида фикр юритилди.

Уз навбатида, Консуэло Видал Брюс самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолади. Мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги янги босқичда ривожланаётганини таъкидлар экан, БРМга эришишда парламент ўрни муҳимлигини ва бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан самарали эканини қайд этди. Айтини чоғда у БМТ Ўзбекистон учун манфаатли бўлган йўналишлар бўйича кўмак кўрсатишни давом эттиришга тайёрлигини маълум қилди.

Дўстона руҳда кечган учрашувда тизимли мулоқотни давом эттириш, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган лойиҳаларни кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Эътибор

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳудудларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Кўп йиллик муаммоларга ечим топилаётганда

Анджон вилоятининг Марҳамат туманида ушбу қарор ижросини таъминлаш учун 36 миллиард 822 миллион сўм ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа ишлари 85 фоиз бажарилди. — Бу аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган оғир

муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди, — деди Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари Дилшўхбек Исмомов. — Хусусан, ички кўчаларни асфальтлаш ва таъмирлаш учун 16 миллиард 713 миллион сўм маблағ йўналтириб, 14 та кўча-

да 37 километрлик йўл сохта хизмат кўрсатишда. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида 23 та маҳаллада 26 та лойиҳа амалга оширилляпти. Бунинг учун давлат бюджетидан 19 миллиард 989 миллион сўм маблағ ажратилган. Эътиборлиси, қарор ижросини таъминлаш доирасида тумандаги 30 дан ортққ кўчалар илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди. Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Давра суҳбати

ЁШЛАРИ ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва дин ниқоби остида уларни радикаллаштиришга уринишларнинг олдини олиш борасидаги устувор вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раислари, қўмита ҳузуридagi экспертлар гуруҳи аъзолари, Ички ишлар, Мудофаа, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими, Рақамли технологиялар, Маданият ва туризм, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликлари, Миллий гвардия, Божхона ва Дин ишлари бўйича қўмиталар, Маҳаллабўйиш ишлари ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Иқомат цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Чикаришга масъул бўлган тузилмалар, таълимга мутасадди вазирликлар ва албатта, кенг жамоатчилик билан биргаликда том маънодаги ватанпарварлик, элқурт тақдирига дахлдорлик хиссини ҳар бир ёш ватандошимиз қалбига, онгу шурурига синдириш ишларини мутлақо янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи такозо қилаётгани, ёшларда ёт гоғларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги айтилди.

Вазирлар Мақамасининг қарори билан тасдиқланган Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясида кўзда тутилган ишларни мутлақо янги босқичга кўтариш, бунга фуқаролар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш лозимлигига ургу берилди.

Таҳлиллар жамиятда радикаллашув, ёшлар онгининг бозулиши, ёт гоғлар билан захарланиши, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ.

Тадбирда манфаатдор тузилмалар, вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида радикаллашувнинг олдини олиш, ёшларнинг турли иллатлар таъсиридан асраш бўйича мавжуд ҳуқуқий база ва амалиёт таҳлиллари асосида энг таъсирчан, самарали механизмларни жорий этиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Уз навбатида, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга қаратилган ҳар қандай уринишнинг олдини олиш бўйича, керак бўлса, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб амалга ошириладиган ишлар юзасидан масъул идораларга ҳам, вакиллик органлари ва жамоатчилик вакиллари ҳам зарур кўрсатма ҳамда тавсиялар бериб бориш фойдаланиш ҳоли эмаслиги қайд этилди.

Эшитув

Ахборотда келтирилишича, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларига 2022 йилда 26 минг 486 та, Сув хўжалиги вазирлигига эса 2 702 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган. Уларнинг қарийб 60 фоизи қаноатлантирилган.

Шунингдек, вазирлик тизимида электрон ҳужжат алмашиш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали келиб тушган барча мурожаатларни йўналишига кўра тезкорлик билан кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилгани депутатлар томонидан эътироф этилди.

БАНДЛИК — ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

Маълумки, камбағаллик юртимизда кўп йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келди. 2020 йилдан эътиборан мамлакатимиз тарихида илк мартаба камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтириш, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўз тақдирини эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга туртки бўляпти.

Муносабат

Маъмурий ислохотлар доирасида бу соҳаларга масъул вазирлик ташкили этилиб, барча ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилгани, юртимизда илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати жорий этилгани ушбу соҳадаги туб ислохотлар натижаси, десак, аини ҳақиқат. Қолаверса, тарқоқ ҳолда бўлган маҳалла раиси, ҳожим ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва бандлик органи ходими фаолияти ягона ёндашув асосида бир тизимга келтирилди.

Анжуман

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экология партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Экология партияси билан ҳамкорликда "Яшил" энергетикани амалиётга татбиқ этиш: ютуқлар ва муаммолар" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.



«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКАНИ АМАЛИЁТГА КИРИТИШ ЗАРУРАТИ

Қайд этилганидек, дунёда қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқаришнинг 97 фоизи қуёш энергияси улушига тўғри келади. Юртимизда қуёшли кунлар йилга ўртача 320 кунни ва фаол қуёш нурулари тушуши давомийлиги 3 000 соатни ташкил этади, унинг қуввати йилга 525-760 миллиард кВт. соатга етади. Шамол энергетикасиники эса 500 ГВт.ни ёки амалдаги энергетикадан 30 баробар кўп бўлган мўқобил қурилмаларни қўйлаштириш имконини беради. Мамлакатимизнинг қуёшли кунлари, шамолли кенгликлар, сув ресурслари ҳамда биологик манбалари қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқаришда юксак салоҳиятга эга эканлигини кўрсатадۇ.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳанинг ташқилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор тегишли Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, энергетика соҳасида тўп ислохотларни амалга оширишда кенг имкони яратилди.

Президентимизнинг "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўсишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан соҳани янада ривожлантиришга оид долзарб вазифалар белгиланган бўлиб, Хусусан, жорий йилда умумий қуввати 4300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга тушириш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилма-

бирлари тақдироти билан танишиш чоғида ҳам бу борадаги аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Иқтисодиётимизда хусусий сектор улушининг ортиб бориши ва давлат аралашуви камаяётгани инобатга олинган ҳолда йиғилишда салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўрини яратишга рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди. Тадбиркорлар ўзи учун керакли малакага, билимга эга бўлган мутахассисларни бошқалардан кўра самаралироқ ва энг асосийси, назария ва амалиётни уйғун ҳолатда ташкил этиши ва бунинг натижасида нафақат ўзи, балки муайян соҳа учун кадрлар тайёрлаб, улар бандлигини таъминлай оlishлари мумкин.

